



## SPECIFIC CHARACTERISTICS OF THE FIGHT AGAINST CORRUPTION IN THE FIELD OF MIGRATION

**Zufarov Farkhod Makhmadzhanovich**

Head of the Department for Protection of Citizens' Rights and Freedoms of the Prosecutor General's Office of the Republic of Uzbekistan

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14242190>

### ARTICLE INFO

Received: 24<sup>th</sup> November 2024  
Accepted: 28<sup>th</sup> November 2024  
Online: 29<sup>th</sup> November 2024

### KEYWORDS

Migration, corruption, labor migration, law enforcement agencies, systematic fight, legislation, bureaucracy, private employment agencies, anti-corruption measures, state policy.

### ABSTRACT

*This article focuses on the key aspects of combating corruption in the field of migration. It analyzes various forms of corruption, particularly in labor migration processes. The author emphasizes the necessity of systematic and continuous efforts to fight corruption, while discussing the role of law enforcement and legislative action. Drawing on international experience, the article suggests effective ways to tackle corruption in migration services.*

## МИГРАЦИЯ СОҲАСИДАГИ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Зуфаров Фарҳод Махамаджанович**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини

ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14242190>

### ARTICLE INFO

Received: 24<sup>th</sup> November 2024  
Accepted: 28<sup>th</sup> November 2024  
Online: 29<sup>th</sup> November 2024

### KEYWORDS

Миграция, коррупция, меҳнат миграцияси, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, тизимли кураш, қонун ижодкорлиги, бюрократия, хусусий бандлик агентликлари, коррупцияга қарши чоралар, давлат сиёсати.

### ABSTRACT

*Мазкур мақола миграция соҳасида коррупцияга қарши курашнинг муҳим жиҳатларига бағишланган. Унда коррупциянинг турли кўринишлари, айниқса меҳнат миграцияси жараёнларида учрайдиган коррупция ҳолатлари таҳлил қилинади. Муаллиф коррупцияга қарши курашиш жараёнларининг тизимли ва доимий бўлиши зарурлигини таъкидлаб, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ролини кўриб чиқади. Шунингдек, хорижий тажрибалар асосида миграция соҳасидаги коррупцияга қарши курашнинг самарали йўллари таклиф этилади.*



Миграция соҳасидаги коррупцияни олдини олишдаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг асосий йўналишларини таҳлил қилишда, биринчи навбатда, коррупциявий омилларнинг турли соҳаларга кириб келиши ва ривожланиши осон кечишини ҳисобга олиш керак. Миграция, айниқса, меҳнат миграцияси соҳаси ушбу ёзилмаган қоидаларга жуда мос келади<sup>1</sup>.

Миграция соҳасидаги коррупция ҳолатлари давлат органларидаги қонунийликнинг кўрсаткичи бўлиб, жамиятда катта резонансга сабаб бўлади ва давлатнинг обрўсига зарар етказиши.

Меҳнат миграциясини бошқариш тизими жиддий ислоҳатларга муҳтож. Мутахассисларнинг таъкидлашича, коррупциянинг умумий сабаблари жамиятдаги жиноятчилик, иқтисодий инқироз, тенгсизлик, давлат бошқаруви соҳасидаги ваколатсизлик ва давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги билан боғлиқ.

Ташқи меҳнат миграцияси ташкилотларида коррупция ҳолатларининг сақланишига асосий сабаб сифатида юқори даражадаги ташкилотлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан суиистифода нazorat ўрнатилганлиги кўрсатилади. Коррупцияга қарши курашиш тасодифий ва бир марталик эмас, балки доимий ва мунтазам амалга оширилиши керак. Ҳозирда, коррупцияга қарши курашиш асосан эпизодик, конкрет ҳолатлар юзасидан амалга оширилмоқда ва тизимли тус олмаган.

Очиқ манбаларга кўра, Ташқи меҳнат миграция агентлиги мансабдор шахсларига ҳар йили фуқароларни чет давлатларга ишга жўнатиш билан боғлиқ коррупцион ҳолатлар учун жиноят ишлари қўзғатилмоқда. Мисол учун, 2018 йилда Агентлик мансабдорларига нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, жами 20 млн. АҚШ доллари миқдоридан зарар етказилганлиги аниқланган. 2023 йилнинг бошида эса Агентлик раҳбарларига нисбатан қамоққа олиш эҳтиёт чоралари қўлланилгани содир этилган жиноятларининг оғирлиги даражасини кўрсатмоқда.

2020 йилда 11 та хусусий бандлик агентликлари томонидан фуқаролардан олинган 79 миллиард сўм пулнинг ўзлаштирилганлиги юзасидан ҳам жиноят иши қўзғатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланган. Бу каби салбий ҳолатлар тизимда жиддий ислоҳотлар ўтказишнинг зарурлигини, миграция соҳасидаги коррупцияга қарши курашнинг эпизодик эмас, балки комплекс ва тизимли асосда бўлиши кераклигини кўрсатади.

Мамлакатда миграция жараёнларини назорат қилиш учун алоҳида органнинг мавжуд эмаслиги, бу соҳада коррупцияга қарши курашишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар роли ва аҳамияти қанчалик муҳим эканлигини кўрсатади<sup>2</sup>.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар давлатнинг ҳуқуқий тизимини ҳимоя қилиш ва ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ҳамда уларга қарши курашиш вазифаларини бажаради. Улар прокуратура, Департамент, ички ишлар, давлат хавфсизлик хизмати,

<sup>1</sup> Батафил қаранг: Абдуллаев Ф. Комплаенс назорат тизимини жорий этишда коррупциявий омилларнинг аҳамияти, таснифи ҳамда ретроспектив таҳлили //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2023. – Т. 3. – №. 6. – С. 160-175.

<sup>2</sup> Ғоипов М. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари //Farg'ona davlat universiteti. – 2020. – №. 1. – С. 62-68.



суд, адлия вазирлиги ва бошқа идоралардан иборат бўлиб, коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишда ҳар бири ўз махсус вазифаларини мустақил равишда амалга оширади.

Миграция соҳасидаги коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашиш, жиноий фаолиятларни олдини олиш, уларни аниқлаш ва фош этиш, коррупцион жиноятларни тезкорлик билан очиш ва тергов қилиш, коррупцияга мойил бўлган шахсларни жамиятдан ажратиш, қонуний ва адолатли ҳукм чиқариш, суд қарорларини ижро қилиш ҳамда жиноятнинг сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф қилиш чораларини кўриш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг асосий мақсадларидан бири бўлиши лозим.

Давлатимизда миграция соҳасида коррупцияни олдини олиш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси 2008 йил 28 августда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Коррупцияга қарши Конвенцияси”га қўшилди, бу эса давлатимизда коррупцияга қарши ҳуқуқий асосларни яратишга олиб келди. 2010 йилда мамлакатимиз Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг Коррупцияга қарши курашиш тармоғининг Истамбул ҳаракати дастурига қўшилди<sup>3</sup>.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида 2017 йил 3 январда Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Шунингдек, 2017 йил 2 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуннинг амалга оширилиши чора-тадбирлари ҳақидаги ПҚ-2752-сонли Қарорига мувофиқ республикада Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоралараро комиссия ташкил этилди, унинг ишчи органи сифатида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси белгиланди.

2019 йил 27 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПФ-5729-сонли Фармони билан “2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури” тасдиқланди. Бу қонун коррупция, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ва манфаатлар тўқнашуви каби тушунчаларга расмий-ҳуқуқий таърифлар беради<sup>4</sup>.

Қонуннинг 7-моддасида коррупцияга қарши курашиш фаолиятини бевосита амалга ошириш учун масъул давлат органлари сифатида Ўзбекистон Республикасининг Бош прокуратураси, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти кўрсатилган.

Қонун коррупцияга қарши курашиш борасида умумий ваколатлар билан бирга ҳар бир давлат органининг ўзига хос ваколатларини ҳам белгилади, бу эса миграция соҳасида коррупциянинг олдини олишга кўмаклашади. Масалан, Давлат хавфсизлик хизмати органлари миграция соҳасида коррупция билан боғлиқ жиноятларга оид

<sup>3</sup> Норова О. Коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро стандартларни Ўзбекистонга жорий этиш ҳолати ва истиқболлари //Общество и инновации. – 2023. – Т. 4. – №. 8/5. – С. 209-213.

<sup>4</sup> Исмоилов И. Коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2024. – Т. 4. – №. 4. – С. 153-158.



тезкор-қидирув фаолиятини, терговга қадар текширувларни ва дастлабки терговни амалга оширади ҳамда коррупция ҳолатлари ва унга қарши курашиш натижалари ҳақидаги ахборотларни миллий хавфсизлик таҳдидларини баҳолаш учун таҳлил қилади.

Ички ишлар органлари миграция соҳасидаги коррупция билан боғлиқ жиноятларга қарши курашишда тезкор-қидирув фаолияти, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширади. Шунингдек, улар миграция соҳасидаги коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар статистикасини ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш билан шуғулланади.

Адлия органлари коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонун ижодкорлигида иштирок этиб, жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтиришга, қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган тарғибот фаолиятини ўтказди. Улар таълим муассасаларида коррупцияга қарши ҳуқуқий таълим ва тарбияга доир чоратадбирларни амалга оширишда иштирок этмоқда ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларнинг лойиҳаларида коррупция учун шароит яратадиган қоидаларни аниқлаш мақсадида таҳлил олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти иқтисодий ва коррупция билан боғлиқ жиноятлар бўйича тезкор-қидирув фаолиятини, терговга қадар текширувни ва суриштирувни амалга оширади<sup>5</sup>. Бу орган жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришнинг эҳтимол йўллари ва механизмларини аниқлаш учун пул маблағлари ва бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни мониторинг қилишни ташкил этади ва ҳуқуқий таъсир кўрсатиш чораларини кўриш учун тегишли давлат органларини ўз вақтида хабардар қилади.

Қонуннинг 9-моддасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг коррупцияга қарши курашиш фаолиятидаги асосий ваколатлари белгиланган. Ушбу ваколатлар қонун ҳужжатларининг бир хилда ва аниқ ижро этилишини назорат қилиш, коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг дастлабки терговини амалга ошириш, қонун ижодкорлигида иштирок этиш, тезкор-қидирув фаолияти, терговга қадар текширув ва суриштирувни мувофиқлаштиришни ўз ичига олади.

2020 йил 29 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-6013-сонли Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди.

Агентликнинг асосий вазифаларига вазирликлар ва идораларнинг коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат сектор вакиллари билан ҳамкорликда самарали иш олиб боришни ташкил қилиш киритилган.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ва унинг ҳудудий тузилмалари Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш

<sup>5</sup> Masharipov T. E. Features of preventing corruption //journal of multidisciplinary bulletin. – 2023. – Т. 6. – №. 4. – С. 131-143.



миллий кенгаши ва унинг ҳудудий кенгашлари сифатида қайта ташкил этилди. Янги тузилмани яратиш ва унинг ваколатларини белгилаш орқали давлат қонунларига ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши табиий бўлди.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасида қабул қилинган ҳар бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат миграция соҳасида коррупциянинг олдини олиш ва унинг салбий оқибатларига қарши курашишда муҳим роль ўйнаши керак.

Амалда, Камбағалликни қисқартириш ва бандик вазирлиги миграция жараёнлари устидан тўлиқ назорат ўрнатмаган ва ноқонуний миграцияга барҳам бермаган. Чет давлатга ишга жойлашиш жараёнидаги ортиқча маъмурий ва бюрократик талаблар мигрантларни қонуний талабларни айланиб ўтган ҳолда иш излашга мажбур қилмоқда. Миграция соҳасидаги коррупция Ташқи Меҳнат Миграция Агентлиги ва бошқа хусусий ташкилотларда мансабдор шахсларнинг асосий ноқонуний даромад манбаи бўлиб қолган ва миграция оқимларини бошқариш учун ишлаб чиқилган барча қоидалар ва воситалар олди-сотди предметида айланган.

Шунингдек, бошқа давлатларда, масалан, Россия Федерациясининг мисолида, миграция хизмати учун масъул бўлган давлат органлари 1992 йилдан буён 9 марта қайта ўзгартирилган. Тизимнинг такрор-такрор ўзгариши хизмат ва ундаги ходимларнинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатган, чунки ташкилотнинг тугатилиши унинг фаолиятига ҳукумат томонидан қониқарсиз баҳо берилганидан далолат беради.

Рус олимаси О.Седованинг таъкидлашича, Россия Федерациясида миграция тизимининг қайта ташкил этилишига сабаб бўлган асосий омиллар қуйидагилардан иборат:

- a) Россияга келаётган мигрантлар сонининг сезиларли даражада ошиши;
- b) тузилманинг ноқонуний мигрантларни қидириш ва уларни ушлаш ваколатларининг чекланиши;
- c) Россиядаги мигрантлар устидан назоратнинг кучайтирилиши;
- d) ноқонуний мигрантлар сонининг ортиши ва Федерал Миграция Хизмати ходимлари иштирокидаги коррупция ҳолатларининг кўпайиши;
- e) Федерал Миграция Хизмати тизимидаги ташкилотларга бюджет харажатларини қисқартириш зарурати<sup>6</sup>.

Ушбу омиллар миграция вазиятини назорат қилишни сусайтиришга ва мазкур ташкилотнинг тугатилишига олиб келди. Қайта ташкил қилиш арафасида Федерал Миграция Хизмати тизимидаги ташкилотлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмадан "бизнес" тузилмага айланиб улгурган эди. Шу пайтларда Федерал Миграция Хизмати ходимлари билан ноқонуний ва меҳнат мигрантлари ўртасида чуқур илдиз отган коррупцион алоқалар мавжуд эди.

Россия Федерациясида ички ишлар тизимидаги бошқа идоралар коррупцияга мойил ходимлари ҳуқуқбузарлар билан узоқ муддатли алоқалар ўрнатган бўлса-да, миграция органларида бу ҳолат йўқ эди. Бир неча ой ўтгач, ҳамкасбининг илтимоси билан бошқа миграция бўлими ходимлари томонидан ноқонуний мигрантлар

<sup>6</sup> Седова О. И., Нестерова О. В. Правовые основы деятельности миграционной службы в период реорганизации //Государство, власть, общество: от истории к современности. – 2017. – С. 80-84.



ушланиб, Россия ҳудудига кириш ҳуқуқини чеклаган ҳолда мажбурий чиқариб юборган ва жиноий занжир узилиб, иш бошдан бошланишига олиб келган.

Федерал Миграция Хизмати органлари ходимлари патент ва бошқа ҳужжатлар расмийлаштиришга кўмаклашувчи хусусий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилган, бу ташкилотларнинг кўпчилиги эса ушбу ходимларнинг ўзларига ёки яқин қариндошларига тегишли бўлган.

Келиб чиққан ҳолатлардан хулоса қилиш мумкинки, давлат органларида миграцияга оид коррупцияни камайтириш учун уларни мураккаблаштириш эмас, балки соддалаштириш зарур. Агар талаб ва қоидалар мураккаб бўлса, бу ноқонуний миграциянинг ошишига олиб келади. Муаммони ҳал қилиш учун содда ва тушунарли талаблар белгиланганида, коррупцион схемаларни тузиш қийинлашади. Халқаро тажрибаларда ҳам бажарилиши қийин бўлган талаблар коррупциянинг авж олишига олиб келиши кўрсатилган.

2018 йил 31 октябрда Россия Федерацияси Президенти томонидан 2012 йилда қабул қилинган миграция сиёсатини белгилайдиган концепция ўрнига янги Концепция тасдиқланди. Ушбу қарорда "одамлар ва бизнес, давлат компаниялари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, судлар ва бошқа давлат идораларидаги маиший коррупциядан чарчаганлик" масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Муаммони ҳал этишнинг осон бўлмагани, аммо у билан боғлиқ озорлар йўқ эмаслиги ва ҳал қилишга ҳаракат қилиш зарурлиги таъкидланган<sup>7</sup>.

Янги Концепцияда миграция соҳасида коррупцияга қарши курашиш бўлими киритилди. Европанинг мазкур соҳадаги тажрибаси билан таққослаганда, бу каби бўлимлар киритилмаган бўлсада, коррупцияга қарши курашиш самарадорлиги юқори баҳоланган. Давлат хизматлари соҳасида шаффофлик ва тезкорликни таъминлаш мақсадида, миграция органлари ходимлари ва фуқаролар ўртасидаги тўғридан-тўғри мулоқотни чеклаб, электрон шаклда мулоқот қилиш тизими жорий этиш белгиланди. Миграция масалалари бўйича бош бошқарма ва унинг тизимидаги коррупция ҳолатларини аниқлаш асосий вазифа сифатида ички ишлар вазирлигининг хавфсизлик бошқармасига юклатилган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашидаги фаолиятини ҳам алоҳида қайд этиш керак. Қуйидагилар айтилади:

- коррупцияни бутунлай йўқотиш мумкин бўлмаса-да, унга қарши интилиш зарур;
- коррупциянинг ўзгариши доимий ўсиш тенденциясида бўлмайди;
- коррупцияни енгиш учун қонунчилик ва бошқарув воситаларини уйғунлаштириш, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий ва ташкилий чораларни кўриш талаб қилинади<sup>8</sup>;
- барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар кучларини бирлаштириш керак.

Ҳозирги кунда миграция соҳасида коррупцияга қарши кураш уч босқичда амалга оширилмоқда:

<sup>7</sup> Воронин С.А. Причины и условия коррупционных преступлений сотрудников правоохранительных органов // БГЖ. 2016. №2 (15).

<sup>8</sup> Urinboyev R. Everyday Corruption and Social Norms in Post-Soviet Uzbekistan //Program on Governance and Local Development Working Paper. – 2019. – №. 19.



- а) давлат миқёсида коррупцияга қарши курашиш;
- б) камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигида коррупцияга қарши курашиш;
- в) миграция масалалари билан шуғулланувчи органларда коррупцияга қарши курашиш.

Миграция жараёнларини бошқариш ва ташкил қилишда кўп жиҳатлар аниқ бўлса-да, уларнинг самарадорлиги кам. Давлат ҳудудига келаётган мигрантларни мониторинг қилиш ва миграцион вазият устидан назоратни яхшилаш мақсадида ахборот тизимларининг имкониятларидан кенг фойдаланиш керак. Вазирлик ўз вазифаларини самарали бажара оладиган идорага айланиши лозим.

Шу нуқтаи назардан, юртимизда ташқи меҳнат миграциясини бошқариш ва давлат сиёсати устидан назоратни амалга оширувчи мустақил орган ташкил қилиш ҳамда миграция соҳасидаги келгусидаги сиёсатни белгилайдиган ва истиқболли режаларни аниқ кўрсатувчи Концепция ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.